



## ТОЖИЕВ ДОСТОНЖОН

Ўзбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги Жамоат хавфсизлиги масалалари  
илемий-амалий тадқиқотлар маркази стажёр-тадқиқотчиси

### Др. Боймирза Ҳайитнинг “Туркестон: Россия ва Хитой оралигига” китоби муҳим манба сифатида

**Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/os/vol-01issue-03-12>**

**Аннотация.** Уибу тадқиқот ишида Др. Боймирза Ҳайитнинг “Туркестон: Россия ва Хитой оралигига” китобининг мазмуни, Туркестоннинг ўтмишидаги “қора кунлари”, Россия истилоси, сўнгра Коммунистик партия бошчилигидаги сабиқ Совет ҳукуматининг мустамлакачилик сиёсати ҳақида тарихий маълумотлар асосида сўз боради. Китобда келтирилган, бир неча асрларни ўз ичига олган тарих ҳақиқатлари халқимиз бошидан кечирган оғир даврлар ҳақида катта маълумот манбайи бўлиб хизмат қилади. Муҳим ҳужжатлар ва архив маълумотларини ўрганиши, тадқиқ этиши жараённида яратилган бу асар Туркестон ҳамда Шарқий Туркестоннинг XX асрдаги Россия ва Хитой ҳуқимонтигидаги ҳаётини асл тарихий маълумотлар асосида кўрсатгани билан бугунги кунда ҳам ўз долзарбилигини сақлаб қолган. Шулар қаторида бугунги Марказий Осиёда шаклланган тартиботлар, Чор Россиясининг мустамлакачилик сиёсати сабаб юзага келган ўзгаришиларнинг замирида ўлқадаги реал аҳвол кўрсатиб берилган. Др. Боймирза Ҳайитнинг “Туркестон: Россия ва Хитой оралигига” китоби тадқиқотчиларга XX асрга доир ўнлаб маълумотларни бериши қаторида айнан Темурийлар даври зиддиятларидан бошлиланган Ўрта Осиёning бўлинини, яккаланини, турли тараққиётдан четда қолишига доир воқеъликларни ҳам батафсил ёритиб берган. Туркестон тарихини бор бўйокларда кўрсатиб бериши мақсадида муаллиф турли қолилларни четга суруб қўя олгани, ўша давр совет тарихчиларидан фарқли раввишида асл ҳақиқатни барагла айтса олишини ҳам китобдаги маълумотлардан кўриши мумкин. Шу қаторда жаҳон тарихиунослигида ҳозиргacha Туркестон истикъоли учун 1918 – 1934 йилларда олиб борилган кураши тарихига багишланган энг йиррик тадқиқотлар айнан турк ва немис тилларида яратилган бўлса, Др. Боймирза Ҳайит ана шу икки тилда ҳам баракали ижод этиб, муҳим манбаларни авлодларга қолдирган. Айнан тарихий тўлиқлик, манбалар асосида келтирилган фактлар уибу китобининг қадрини янада ошириб берган.

**Калим сўзлар.** Туркестон, “босмачилик”, М.Чўқаев, Аҳмад Закий Валиди, Алихонтўра Сагуний, Др. Боймирза Ҳайит, “Туркестон Русия билан Хитой оралигига. Рус ва Хитой истилоси даврида Туркестон Миллий давлатлари ҳамда миллий озодлик кураши тарихи”, Шарқий Туркестон, “Синсзиан”, Гўктепа, “Миллий давлатлар”, Чўлтон мукофоти, Баҳтиёр Исабек-Ўрдабекли.

**Аннотация.** В данной исследовательской работе рассматривается содержание книги доктора Боймырзы Хайита «Туркестан: Между Россией и Китаем» на основе исторических сведений о минувших «черных днях» Туркестана, российской оккупации, а затем колониальной политики бывшего советского правительства под руководством Коммунистической партии. Факты истории, охватывающие несколько столетий, представленные в книге, служат прекрасным источником информации о тяжелых временах, которые пережил наш народ. Этот труд, созданный в процессе изучения и исследования важных документов и архивных данных, показывает жизнь Туркестана и Восточного Туркестана под властью России и Китая в XX веке на основе оригинальных исторических данных и сохранил свою актуальность даже в наши дни. Среди них показано реальное положение в стране в контексте изменений, произошедших в Средней Азии, колониальной политики царской России. Др. Книга Боймырзы Хайита «Туркестан: между Россией и Китаем» дает исследователям десятки сведений о XX веке. Из информации в книге видно, что для того, чтобы показать историю Туркестана во всех красках, автор смог отбросить в сторону различные стереотипы и рассказать настоящую правду ясно, в отличие от советских историков того времени. Кроме того, на турецком и немецком языках были созданы крупнейшие в мировой историографии исследования, посвященные истории борьбы за независимость Туркестана в 1918-1934 гг. Боймирза Хайит создал благословение на этих двух языках и оставил поколениям важные источники. Именно историческая полнота, факты, изложенные на основе источников, повысили ценность этой книги.

**Ключевые слова.** Туркестан, «басмач», М. Чокаев, Ахмад Заки Валиди, Алихантора Сагуни, доктор Боймырза Хайит, «Туркестан находится между Россией и Китаем. Туркестанские национальные государства и история национально-освободительной борьбы в период русско-китайской оккупации», Восточный Туркестан, «Синжзиан», Гоктепа, «Национальные государства», Премия Чолтона, Баҳтиёр Исабек-Ордабекли.

**Abstract.** This article describes the “dark days” of Turkestan in the past, the Russian invasion, followed by the various policies of the former Soviet government led by the Communist Party, and Dr. Boymira Hayit’s work



*it is about the historical information given in “Turkestan: Between Russia and China”, an important source. The authentic history covering several centuries presented in the book is a great source of information about the difficult times of our nation. This work, created during the study of important documents and archival data, has retained its relevance even today, as it shows the life of Turkestan and East Turkestan in the 20th century under Russian and Chinese rule based on original historical data. Among them, the real situation in the country is shown in the context of the changes that have occurred in Central Asia, the colonial policy of Czarist Russia. Dr. Boymirza Hayit's book "Turkestan: Between Russia and China" provides researchers with dozens of information about the 20th century. It can be seen from the information in the book that in order to show the history of Turkestan in all colors, the author was able to put aside various stereotypes and tell the real truth clearly, unlike the Soviet historians of that time. In addition, the largest studies in world historiography dedicated to the history of the struggle for the independence of Turkestan in the years 1918-1934 were created in Turkish and German, while Dr. Boymirza Hayit created a blessing in these two languages and left important sources to the generations. It is the historical completeness, the facts presented on the basis of the sources that increased the value of this book.*

**Key words.** *Turkestan, “basmachi”, M. Chokaev, Akhmad Zaki Validi, Alikhantora Saguni, Dr. Baymirza Khayit, “Turkestan is between Russia and China. Turkestan National States and the History of the National Liberation Struggle during the Russian and Chinese Occupation”, Eastern Turkestan, “Sinchian”, Goktepa, “National States”, Cholpon Award, Bakhtiyor Isabek-Ordabekli.*

Туркистан халқларининг истиқлол учун курашлари тарихини ўрганиш вазифаси мамлакат тарихшунослигига фақатгина мустақиллик давридагина кун тартибидан жой олди. Тарихимизнинг янги, илгари биз билмаган ёки нотўғри тасаввур этган саҳифаларини тиклаш, аждодларимизнинг ўз эрки ва Ватан озодлиги учун олиб борган истиқлол йўлидаги курашлари ҳақидаги тарихий ҳақиқатни англаб етиш имкониятига биз фақатгина истиқлол шароитида эга бўлдик. Бунга қадар, яъни Ўзбекистоннинг давлат мустақиллiği қўлга кириллгунга қадар ҳукм сурган мустабид тузум шароитида мустақиллик, Ватан озодлиги, миллат эрки ҳақидаги тушунчалар нафақат тарих фани, балки жамият тафаккури учун ҳам “бегона” тушунчага айлантирилган бўлиб, бу ҳақида сўзлаш ёхуд фикр билдириш мутлақо мумкин эмас, аниқроғи фожиали якун эшиги эди.

Шу сабабли ҳам Собиқ Иттифоқ даврида Ватан истиқлоли, миллат озодлиги, мустақиллик учун Туркистан халқлари олиб борган кураш воқеаларини ҳаққоний акс эттирувчи ҳар қандай манба жамоатчилик эътиборидан четлатилди. Айниқса, Туркистонда куч билан ўрнатилган Совет ҳокимиятининг зўравонлигига қарши 1918 – 1934 йилларда олиб борилган курашлар ҳақидаги тарихий ҳақиқатни ошкор этувчи манбалар мутлақо яширилди, кези келганда ҳеч иккисинчидан соҳталаштирилди ва совет мафкурачиларининг “босмачилик” ҳақидаги эртакларини “асослаш”<sup>1</sup> учун “тиркалди”.

Лекин ўз ватанида яширилган, қораланган тарихий ҳақиқат хориждан ошкораликка йўл излади. XX асрнинг 20-йиллари охири 30-йиллари бошидаёқ хорижий тарихшуносликда, хусусан, турк тарихшунослигига Туркистан тарихининг жуда кўп масалалари қатори аждодларимизнинг озодлик учун олиб борган курашлари ҳам ўзининг ҳаққоний талқинини ола бошлаган эди, чунки Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустабид тузум қувғинларидан чет элга қочиб жон сақлашга мажбур бўлган М.Чўқаев<sup>2</sup>, Аҳмад Закий<sup>3</sup>, Алихонтўра Соғуний<sup>4</sup>, Юсуф Акжуроғлу<sup>5</sup>, Али Бодомчиб, Темироғлу<sup>6</sup> каби муҳожирлар ўз хотираларини хорижда, илк бор айнан шу тилларда ёзиб, эълон қилдилар.

Туркистан фожеаларининг жонли гувоҳи, иштирокчиси бўлган муаллифларнинг хотиралари, аниқ кўрсатмалари турк тарихшунослигига Туркистондаги 1918 – 1934 йилларда

<sup>1</sup>Ҳайит Боймирза. Ёруғ кунлар орзусида. Тошкент: Жаҳон адабиёти журнали. 1998 йил, 11-сон. Б. 168.

<sup>2</sup> M. M. Chokay. Dekabr hatiraları // Yash Turkistan. 1933. № 39. P. 5.

<sup>3</sup> Zeki Velidi. Bugunki Turkustan (Turkeli) ve yakın tarihi. Istanbul. 1981. P. 389.

<sup>4</sup> Соғуний Алихонтўра. Туркистан қайгуси. Тошкент: Шарқ, 2020.

<sup>5</sup> Akcuraoglu Yusuf [Yusuf Akçura]. “Tukculuk”. In Türk Yili. 1928. Ankara: Turk Ocagi, 1928. S. 82.

<sup>6</sup> Ali Bademchi. 1917 – 1934. Turkistan Milli istiklal hareketi ve Enver Pasa. Kurbashiler. Istanbul. 1975. S. 95.

<sup>7</sup> Temirogli. Turkistanda inkilab Devri // Yash Turkistan. 1931. № 25. S. 107.





мустақиллик учун олиб борилган курашлар ҳақида тўғри тасаввурларнинг шаклланишида жуда катта рол ўйнади.

Жаҳон тарихшунослигига ҳозиргача Туркистон истиқоли учун 1918 – 1934 йилларда олиб борилган кураш тарихига бағишиланган энг йирик тадқиқотлар айнан турк ва немис тилларида яратилгандир. Др. Боймирза Ҳайит умрининг асосий қисмини Она-Ватан тарихини ўрганиш, тадқиқ этиш ва шу асосда ҳақиқий тарихни оммага етказишни мақсад қилган эди. Турк тилида чоп этилган тадқиқотларида Туркистон халқларининг 1917 йилдан то 1930 йиллар ўртасига қадар мустабид шўролар ҳокимиятига қарши курашларининг барча воқеалари даврий изчилликда баён этилади. Асар муаллифининг бу йўналишда қарийб 40 йил давомидаги изланишлари, дунёнинг турли мамлакатларидаги архив ва кутубхона манбаларини, хусусан, Мюнхендаги Бавария Давлат кутубхонаси, Кёлнданги Шарқшунослик фанлари федерал институти кутубхонаси, Буюк Британия миллий кутубхонаси (Лондон), АҚШ конгресси кутубхонаси (Вашингтон), Хинд оғиси кутубхонаси (Лондон), Гувер номидаги инқилоб ва уруш институти кутубхонаси, Ню-Ёрк оммавий кутубхонаси, Кёлн шаҳар ва университет кутубхонаси, Истанбул университети кутубхонаси материалларини атрофлича ўрганиш асосида яратилган бу асарида бизнинг ватан тарихшунослиги учун муҳим янгилик бўлган жуда кўп маълумотлар бор<sup>1</sup>. Энг муҳими тадқиқот ишларида ўша давр воқеаларининг бевосита гувоҳи, иштирокчиси бўлган замондошларнинг хотира ва эсдаликларидан кенг фойдаланилган, зоро, ўша даврда муҳожирликда яшаган ватандошларимизнинг бу эсдаликлари улар яшаган мамлакат архив ва кутубхоналари мулкига айланган<sup>2</sup>.

Она Ватанимиз – бир бутун улуғ Туркистонимиз тарихи, жумладан Ўзбекистонимиз тарихи юртимизда маҳсус, тўла ҳолатда битилган эмас эди. Германияда яшаб, самарали ижод этган, бутун умрини эл-юрт озодлиги йўлида фидо этган улуғ муҳожир Др. Боймирза Ҳайитнинг энг йирик асарларидан бўлмиш “Туркистон: Русия билан Хитой оралиғида...” китоби тарихий ҳақиқатга садоқат, илмий холислик, Она юртга буюк муҳаббатнинг шоҳидидир. Китоб ўқувчилар, талабалар, Ватанни севган кексаю ёш қалблар учун зарур дарслик ҳамдир. Босқинчилик хусусида Ватанда битилган қолган асарлар эса қўшимча адабиёт вазифасини ўташи мумкин.

“Туркистон, Русия ва Хитой оралиғида: XVII – XX асрларда руслар ва хитойликларнинг истилолари даврида Туркистон Миллий давлатлари ва миллий мужодилалари тарихи” мавзули асар, биринчи дафъа немис тилида Амстердам шахрида 1971 йилда нашр этилган эди. 1975 йилда турк тилида нашр этилди. Ушбу асар, Европа, Америка ва сабиқ Совет Иттифоқида кўп танқидларни кўрди. Совет Иттифоқида ушбу асарга қарши ҳам кўп қарши ёзишлар бўлган. Совет-коммунизм мафкураси, бунинг ичida совет тарихшунослиги, Др. Боймирза Ҳайитнинг фикрларини олдинги асарларини “ҳазм қила олмагани” каби, бу асарга ҳам хавфли тус берган. Ушбу асарни Совет Иттифоқида ўқимоқ ва ўқитмоқ берилажак жазоларнинг бир сабабчиси бўлган эди.

Ҳозиргача Туркистон милий курашларининг Рус ва Хитой истилоси даври тарихини акс эттирган йирик тадқиқотлар нисбатан камлигини инобатга олган Др. Боймирза Ҳайит бу борада дастлабки қадамни ташлашга журъат қиласди. Туркистоннинг XVII – XX асрларга оид мукаммал тарихи кўпгина тадқиқотчилар томонидан йилларча изланишлар натижасидагина ёзилажагини ҳисобга олинган ҳолда бу асар “Туркистон Русия билан Хитой оралиғида. Рус ва Хитой истилоси даврида Туркистон Миллий давлатлари ҳамда миллий озодлик кураши тарихи” деб номланади.

Шу ҳақиқатни доим кўз олдимизда тутишимиз керакки, дунёнинг турли ерларида тарқоқ ҳолда, кўп миқдорда кўлёзмалар ва бошқа манбалар мавжуд бўлиб, уларнинг

<sup>1</sup> Босмачилик: ҳақиқат ва ўйдирма. Тошкент: Шарқ ўлдузи журнали. 1991 йил 3-сон. Б. 63.

<sup>2</sup> Истиқлолимизнинг тарихий илдизлари. Давра сұхбати. Тошкент: Шарқ ўлдузи журнали. 1995 йил 11-12 сонлар. Б. 41-42.





баҳоланиши тарих илми учун катта аҳамият касб этади. Шу сабабдан ҳам ушбу китоб Туркистон тарихи масалаларини ўрганишда фақат бир дастлабки босқични ташкил этади.

Туркистон тарихининг баъзи масалаларига бағишлиланган жуда кўп китоб ва мақолаларнинг аксарияти бир-бирига мос эмас эди. Бу эса ҳақиқатни тушунишини қийинлаштиради. Шу боис, муаллиф, имкон қадар тарихий жараёнга оид тушунчаларни ўзаро бир-бирига уйғунашган ҳолатини беришга ҳаракат қилган.

Муаллиф бир камчилиги сифатида хитой тилини билмаганлигини айтиб ўтган ва шу сабабли Шарқий Туркистон тарихи масалаларига оид ишларида камчилик мавжудлигини ҳам яширмаган. Ҳатто Европада мавжуд бўлган Шарқий Туркистонга оид хитой тилидаги манбалардан фойдаланиш имкони бўлмаган. Шунга қарамай, бу китобда бошқа манбалардан кенг фойдаланиш ҳисобига Шарқий Туркистонни эътибордан четда қолдирмаган. Чунки Туркистоннинг бу қисмига янги тарихга оид илмий ишларда жуда кам эътибор берилганлиги барчага аёndir.

Бирмунча мулоҳазалардан кейин, холис бўлиш мақсадида “Туркистон” атамаси маъкул кўрилган. Бу атамадан, ҳаммаси Марказий Осиёда жойлашган, лекин ҳар бири алоҳида олганда Марказий Осиё ҳисобланмайдиган ўша пайтдаги собиқ Совет Иттифоқининг Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва Ўзбекистон Совет Сотсиалистик Республикалари дейилган ўлкалар билан Хитой Халқ Республикасидаги Синсзян-Уйғур муҳтор вилояти биргаликда тушунилади. Рус ва Хитой расмий маҳкамалари ҳукмронлик йилларида Туркистон номини қўллашни ман этдилар. Чунки бу борада уларнинг сиёсий мулоҳазалари бор эди. XX асрнинг иккинчи яримга келиб Европа ва Америка Қўшма Штатлари адабиётларида ҳам “Туркистон” атамаси ўрнига Совет манбаларидан олинган “Ўрта Осиё ва Қозоғистон”, “Шарқий Туркистон” ўрнига хитойликлардан ўтган “Синсзян” атамасининг қўлланиши кўзга ташланган эди<sup>1</sup>.

Москва бошлаган ва биздаги хушомадгўй, ҳақиқий “тарих хоин”лари сингдиришга уринган “Ўрта Осиёning Русияга қўшиб олиниши” тушунчасини Др. Боймирза Ҳайит тарихий ҳақиқат таҳлили асосида ўзининг тарихий тадқиқот ишларида кулини қўкка совургандир. Чор аскарлари бу табаррук заминга яхши ният билан келган эмас. Улар қўлида қилич, милтиқ ва замбарак, қўнглида эркимизга, маданиятимизга нафрат билан, бойлик орттириш нафси қутурган бир ҳолда бостириб келган эдилар. Ҳақиқий ватанпарвар отабоболаримиз душманга қарши жангларда мардонавор юртни ҳимоя этиб жон берганлар.

Ўз эрки, дини, одати ва ерининг эгаси бўламиз деган умидда қўлига қурол олганларнинг номи “босмачи” дейилди. Афуски бу даврда сопимизни ўзимиздан чиқардилар. Биз ўзларининг ва бизнинг (ўша пайтда ҳали келажак авлод) мустақиллигимиз учун курашган ҳақиқий мужоҳидларни, асл босмачи – хўжайинларга эргашиб, “босмачи” дея атай бошлаганимизни ҳам ушбу китоб тарихий хужжатлар асосида кўрсатиб бергандир.

Қисқача айтганда, бу асар ўз замонасининг ноёб манбасидир. Унда Марказий Осиёning Амир Темур ва Темурийлар давридан тортиб собиқ Иттифоқнинг қулашига қадар бўлган йирик даври қамраб олинган. Келтирилган маълумотлар ҳам ўнлаб манбаларни ўрганиш, йиллар давомида тўпланган маълумотлар таҳлили, жаҳон архивларининг ноёб қўлёзмалари тадқиқи асосида китобга жамланган.

Китоб ўн уч бўлимдан иборатдир. Илк бўлимда бирлашган императорлик (Темурийлар давлати)дан бир қатор майда давлатларга парчаланиб кетган Туркистон ҳақида фикр юритилиб, бу давр ҳақида, ўша вақтдаги ҳалқлар тарихи, Шарқий Туркистоннинг ҳолати ҳақида батафсил маълумотлар берилган.

Китобнинг иккинчи бўлимида Туркистоннинг мустақил хонликларга (Бухоро, Хива ва Кўкон; ҳатто қисқа яшаган Тошкент хонлиги ҳам) бўлинниб кетиши баёни келтирилган.

Учинчи бўлим Туркистонга рус ҳужумининг бошланиши тарихи ҳақидадир. Бу қисмда русларнинг Туркистон бўйлаб амалга оширган жосуслик ишлари, савдо-сотиқлари, сиёсий

<sup>1</sup> Hayit B. Basmatschi. Nationalier Kampf Turkestan in der Jahren 1917 bis 1934, Koeln. 1992. P. 39.





муносабатлари, рус истеҳкомларининг барпо этилиши ва қозоқ жузларини эгаллаш жараёнлари батафсил келтириб ўтилади.

Тўртингчى бўлим Туркистоннинг энг оғир дамлари – Чор ҳукуматининг тўрт босқичили агрессияси даври ҳақидадир. Бу бўлимда руслар томонидан Бухоро амирлиги ва Хива хонлигининг протекторатга айлантирилиши, Кўқон хонлигининг босиб олиниши ҳамда давлат сифатида тугатилиши, Гўктепада буткул тор-мор келтирилган туркманлар, Помирга юриш, чегаралар борасида рус-инглиз дипломатиясига оид масалалар мухим фактлар асосида баён қилинган.

Бешинчى бўлим Хитой томонидан Шарқий Туркистоннинг истило этилиши ва бу борада чин юрти амалга оширган турли ҳаракатлар, уйғур халқининг озодлик курашларига тўхталиб ўтилган.

Олтинчى бўлим Туркистонда ўрнатилган рус ҳокимиятининг минтақада олиб борган турли сиёсалари хусусида бўлиб, бунда рус мустамлакачилик сиёсатини бор бўйича кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган.

Етинчى бўлим оқ подшога қарши Туркистонда амалга оширилган миллый-озодлик ҳаракатлари хусусидадир. Бунда Султон Кенесари қўзғолони, 1898 йилдаги Дукчи Эшон бошчилигидаги Андижон қўзғолони, 1916 йилги Туркистонни қамраган миллый-озодлик ҳаракатлари бор бўёқларида баён қилинган.

Саккизинчى бўлимдан бошлаб энг асосий давр воқеалари қамраб олинишни бошлайди. 1917 йилги феврал ва октябрь инқилоблари, жадидлар ҳаракати, фаврал инқилоби таъсирида ўлкада миллый давлатчилик томон илк одимлар, большевикларнинг уларни бўғиб ташлашга уриниши ҳадма алал-оқибат коммунистик партиянинг иқтидорга келиши масалалари кенг ёритилган.

Тўққизинчى бўлим 1917-1924 йиллардаги Туркистон миллый давлатлари ва уларнинг қисмати тўғрисидадир. Бунда Кўқондаги Туркистон мухторияти, Алаш ўрда, Бухоро ва Хивада тузилган мустақил республикалар ҳамда уларнинг тугатилиши тарихлари баёни келтирилган.

Ўнинчى бўлим энг оғрикли давр – Туркистондаги 1918-1934 йиллардаги миллый-озодлик кураши, қўрбошилар фаолияти, уларга қарши Совет ҳукуматининг олиб борган ҳарбий ҳаракатлари ҳақида тўхталиб ўтилган.

Ўн биринчى бўлимда Шарқий Туркистондаги Ўрта Осиёдан қолишмаган оғир ахволнинг баёни берилган. Бунда 1934 йилдан кейинги даврда хитойликлар, руслар ва Туркистонликлар ўртасида Шарқий Туркистонни ташкил қилиш масаласидаги ихтилофлар баёни келтирилган.

Ўн иккинчى бўлим эса 1924 йилда Совет ҳукумати томонидан ташкил қилинган “Миллый давлатлар” ҳақидадир. Бу бўлим бутун бошли бир худуд, бир элат бўлган Туркистон ўлкасини мажбурий тарзда, “Миллый худудий чегараланиш” ниқоби остида 5 та республикаларга ажратиб юборилиши ҳақидадир. Бунда Туркистондаги шўро давлатларининг файримиллий ҳаракетлари ҳам сохта бўлмаган ишонарли маълумотлар билан бойитилган тарзда муаллиф томонидан баён қилинган.

Китобнинг сўнгги бўлими собиқ Совет давлатининг қулаши ва ундан сўнг истиқлол ила ўз йўлини кураётган озод Туркистон ҳақидаги хуласалардан иборат.

Умуман олганда, Др. Боймирза Ҳайитнинг “Туркистон: Русия ва Хитой оралиғида” асаридан олинган таассуротлар ҳақида жуда кўп ёзиш мумкин. Шу ўринда яна бир нарса диққатга молик, чет элда яшашига қарамасдан, олим ўз ишида рус-шўро манбаларидан кенг фойдаланишга ҳаракат қилган ҳамда мунозарали ўринларда холис туришга интилган.

Мустақиллик шарофати ила ушбу асарни ўз тилимизда, ўзбек – туркчасида нашр этмоқ учун йўл очилган эди. Ушбу китоб миллатимизнинг фожиалари ва интилишларининг бир ифодасидир.

Ушбу китоб ўз вақтида Туркия Култур Вақфининг тарих тадқиқотлари армуғонини ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Чўлпон мукофотини қўлга киритган эди. Ушбу



асарнинг ўзбек-туркчасини истиқлолнинг илк йилларида нашр этишга бир қатор атоқли шахслар, жумладан, Бахтиёр Исаbek – Ўрдабекли, Мирзо Кенжабек ҳамда “Очун” жамияти ташабbus кўrsatiшган эди. Ҳаттoки Faфур Fулом номидаги нашриётда ушбу китоб 20 минг ададда босиш учун тайёрланган эди. Афсуски, бир қатор ҳодисотлар сабаб ушбу китоб таржима-қўлёзма ҳолатида бугунга қадар қолиб кетган.

Бугунги кунда тарихимизнинг муҳим даврига оид қимматли маълумотлар жамланган Др. Боймирза Ҳайитнинг “Туркистон: Русия ва Хитой оралиғида” асари “Янги аср авлоди” нашриёт матбаа маркази томонидан нашрга тайёрланмоқда. Ўз соҳасининг фидойилари бўлган Наим Каримов, Баҳром Ирзакев каби олимларимиз бу асар хусусида қимматли фикрларини бериб ўтганлар.

Мустақиллик туфайли нафақат республикадаги, балки хориждаги манбалардан ҳам фойдаланиш хукуқига эга бўлган Ўзбекистон тарихчилари хорижий тарихшунослик таҳлилига жiddий киришганлар. Аммо хориждаги манбалар ҳали чуқур ва бевосита ўрганилмади. Айни пайтда хорижлик тарихчилар ҳам Ўзбекистон архивларидаги бой манбалардан бебаҳра қолмоқдалар. Бу ҳолат Ўзбекистон тарихчиларининг хорижлик тарихчилар билан илмий-амалий ҳамкорликни кенгроқ йўлга қўйишларини, тарихимизнинг ўқилмаган саҳифаларини жаҳон тарихшунослиги доирасида тикланишини тақозо қиласи.

Шуни алоҳида кўrsatiш лозимки, мазкур давр тарихшунослигининг ривожланишида туркистонлик муҳожирларнинг роли катта бўлди. Мустафо Чўқай, Абдулла Ражаб Бойсун, Аҳмад Закий Валидий, Тоҳир Чифатой, Боймирза Ҳайит, Шаҳобиддин Яссавий, Шермуҳаммадбек каби муҳожирларнинг хотиралари, қимматли кўrsатмалари турк тарихшунослигида Туркистондаги 1917-1924 йиллар воқеаларини ўрганишда катта рол ўйнайди. Бу борада хорижий ватандошлар, хорижий давлатларда Ватанимиз тарихига оид адабиётлар ва илмий тадқиқотларни тарихчиларимиздан Қ. Ражабов, Ш. Ҳайитов, С. Шодмонова, Э. Нуриддинов кабилар сўнгги пайтларда ўзларининг илмий тадқиқотлари асосида кенгроқ, ҳалқчил тарзда ёритиб бердилар.

